



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2012-yil, 31-iyul. Seshanba 91 (31.523) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Парламентда

РЕКЛАМА ФАОЛИЯТИ

ахлоқ меъёрларига мос бўлиши зарур



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ҚУМИТАСИНING ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА «РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат бошқаруви идоралари, мутахассислар, реклама агентликлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди. Таъкидланганидек, кейинги йилларда замонавий коммуникация воситаларининг тарақ-

қий этиши реклама соҳаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг муҳим қисмига айланишида катта аҳамият касб этди. Бугунги кунда реклама ахбороти нафақат товар ва хизматларни бозорда сотиш учун қулай восита, балки мамлакат иқтисодийнинг истиқболли соҳаларидан ҳисобланади, дейилди йиғилишда.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

ИНТЕРНЕТ ВА ЁШЛАР

«Бугунги кунда глобал тармоқ айрим ёшлар қалби ва дунёқарашига салбий таъсир қилаётгани, уларнинг менталитетимизга мутлақо ёт иллатлар домига тушиб қолаётганига ҳам сабабчи бўлаётгани ҳақида ўйлайдиган бўлсак, ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш энг долзарб масалалардан эканлиги янада ойдинлашади...»



2-бет

Лондон олимпиадаси

ДЗЮДОЧИМИЗ РИШОД СОБИРОВ МАМЛАКАТИМИЗГА ХХХ ЁЗГИ ОЛИМПИАДА УЙИНЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ МЕДАЛИНИ ТУҲФА ЭТДИ. ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ, ПЕКИН ОЛИМПИАДАСИ БРОНЗА МЕДАЛИ СОВРИНДОРИ БЎЛГАН РИШОД СОБИРОВДАН ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ УМИДИ КАТТА ЭДИ. РИШОД ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ. ОЛИМПИАДА УЙИНЛАРИДА, 205 ДАВЛАТ ВАКИЛЛАРИ ОРАСИДА БРОНЗА МЕДАЛИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ ОСОН ИШ ЭМАС.



ВАТАН ШАЪНИ — ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ!

Лондон олимпиадаси ўзбек спорти тарихида бешинчи олимпиада саналади. Унда спортнинг ўн уч тури бўйича жами 54 нафар ҳамюртимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Қўтилганидек, мусобақаларнинг дастлабки кунда дзю-

дочимиз икки карра жаҳон чемпиони РИШОД СОБИРОВ (60 кг) гиламга чиқди. Ўз вазн тоифасида дунё рейтингига пешқадамлик қилаётган вакилимиз беллашувларни юқори савияда бошлади. Аввалига Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндо-

ри, австриялик Людвиг Пайшер, венесуэлалик Хавьер Гудес, бразилиялик Фелипе Китадага қарши беллашувларда катта устунлик билан ғалаба қозongan ҳамюртимиз ярим финалга йўлланма олди.

⇒ 4

Ватан ҳимояси — олий шараф

АКАДЕМИЯ БИТИРУВЧИЛАРИГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ НАВАТДАГИ БИТИРУВЧИЛАРИГА ДИПЛОМ ВА ҚЎКРАК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Қ.Бердиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама пухта қуролланган армияни ташкил этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.



⇒ 2

Қонун ва ижро

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

«Қонунчиликда таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби ишлаб чиқилмаганлиги (жумладан, нодавлат таълим муассасаларининг қайси давлат органи томонидан рўйхатга олиниши, уларнинг фаолияти қандай мақсадга қаратилиши аниқ кўрсатилмаганлиги) тўғрисида нодавлат таълим муассасалари ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида тадбиркорлик субъектлари сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолиятининг асосий мақсадини фойда олишга қаратиб келмоқда...»

⇒ 3

Бугунги сонда

Партиялараро баҳс

● **ФАҚАТ ҚОНУНИЙ ЙЎЛ БИЛАН**
меҳнат ҳуқуқидан фойдаланиш, муносиб иш ҳақи олиш ва ишончли ижтимоий ҳимояланиш мумкин. Бироқ ҳали-ҳамон айрим фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларида меҳнат дафтарчасиз ишлаётган кишилар оз эмас. Либераллар эса сукут сақлашдан нарига ўтишмапти
2-бет

Миллий матбуот марказида

● **ЎЗАРО ИШОНЧ, СИФАТЛИ ХИЗМАТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ**
3-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 31 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	2315,22	1 Дания кронаси	314,72	1 Хитой юани	298,73	1 Туркия лираси	1050,92
1 АҚШ доллари	1904,90	1 БАА дирҳами	518,62	1 Украина гривнаси	238,32	1 Швейцария франки	1949,74
1 Россия рубли	59,13	1 Миср фунти	314,72	1 Малайзия рингити	604,73	10 Жанубий Корея вони	16,76
1 Австралия доллари	1993,67	1 Исландия кронаси	15,70	1 Польша злотийси	568,61	10 Япония иенаси	242,97
1 Англия фунт стерлинги	2994,31	1 Канада доллари	1896,93	1 СДР	2877,18		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Парламентда

РЕКЛАМА ФАОЛИЯТИ

ахлоқ меъёрларига мос бўлиши зарур



Муродбек ЗИЕ олган суратлар.

Хафиза КАРИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ўтган йили республикада реклама агентликлари сони 482 тани ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 494 тага етди. Тошкент шаҳрида реклама тарқатиш билан боғлиқ йўналишларнинг 35 фоизи телевидение, 24 фоизи радио, 23 фоизи босма нашрлар ва 18 фоизи ташқи реклама, Самарқанд вилоятида эса 42 фоизи телевидение, 14 фоизи радио, 28 фоизи босма нашрлар ҳамда 16 фоизи ташқи рекламага тўғри келади.

Яқинда кўмитамиз ишчи гуруҳи томонидан мазкур ҳудудларда Қонун талабларининг ижроси ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, бу соҳада кўплай ижобий ишлар билан биргаликда, 2011 йил ва жорий йилнинг шу даврига қадар баъзи ҳуқуқбузарликлар ҳам содир этилмоқда. Улар асосан нотўғри реклама тарқатиши, ташқи рекламани жойлаштириш тартиби ва талабининг бузилиши, телевидениеда белгиланган вақтга амал қилмаслик, рекламага

(Давоми. Боши 1-бетда.)

оид талабларнинг бажарилмаслиги билан боғлиқ.

Айни пайтда Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида ташқи рекламани жойлаштириш бўйича ташкил этилган комиссия томонидан бу борадаги қонунчилик меъёрлари тарғиб этилмоқда.

Тадбирда мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришда жамоатчилик манфаатларини инобатга олган ҳолда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг реклама фаолияти ахлоқ меъёрларига мос бўлишини белгилаш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, тегишли ташкилотларга қонун талабларини бажариш юзасидан тавсиялар берилди.

Хусусан, реклама бозорини мониторинг қилиш, соҳага оид статистика тизимини янада яхшилаш, ташқи рекламани жойлаштириш қоидаларига қатъий амал қилиш, реклама берувчи ва тарқатувчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ташқи рекламанинг давлат тилидаги матнини кўпайтириш борасида амалий тақлифлар айтилди.

Йиғилиш якунида кўрилган масала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Гулрўх ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП Маҳаллий кенгашларда

САЙЛОВ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

ҚАРШИ ШАХРИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ, МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИАТИ ШАКЛЛАНИШНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛЛАРИ ИШТИРОКИДА «ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

— Сайлов компаниясининг барча босқичларида очиқлик ва ошқораликни таъминлаш, участка сайлов комиссияларининг фаолияти устидан сиёсий партиялар томонидан жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича барча ҳуқуқий шарт-шароит ва имкониятлар яратилган, — дейди **ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Олим Рашидов**. — Жумладан, 2009 йилда ўтказилган сайловларда сиёсий партияларга илк

маротаба ўз қузатувчилари орқали сайлов участкаларида овозларни ҳисоблаш ва сайлов якунларини эълон қилишнинг яқиний тартиб-тамоиллари туғунга қадар иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, тадбирда амалдаги қонунчилигимиз сайловлар жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашшига имкон бермаслиги, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга мутлақ ваколат Марказий сайлов комиссиясига топширилгани ҳам юртимизда демократик талабларга тўлиқ жавоб берадиган сайлов тизими шаклланишидан далолат экани алоҳида таъкидланди.

Музаффар ТУРПОВ

Партиялараро баҳс

ФАҚАТ ҚОНУНИЙ ЙЎЛ БИЛАН

меҳнат ҳуқуқидан фойдаланиш, муносиб иш ҳақи олиш ва ишончли ижтимоий ҳимояланиш мумкин. Бироқ ҳали-ҳамон айрим фермер хўжалиқлари ва тадбиркорлик субъектларида меҳнат дафтарчасисиз ишлаётган кишилар оз эмас. Либераллар эса сукут сақлашдан нарига ўтишмаяпти

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШ ДАВРИДА АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, ФУҚАРОЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТИЗИМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТГА ЭГА.

Шу маънода, пенсия таъминоти тизимини янада ривожлантириш, пенсия ва нафақа олувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун талаби даражасида ҳимоя қилинишига эришиш гоята муҳим. Бунинг учун, албатта, кишиларнинг ташаббуси ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий фаолиятини йўлга қўйиш, ишчи-хизматчиларнинг қонуний ишини ташкил этиш лозим.

Гап кишиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ҳимояси, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ҳақида борар экан, ЎзЛиДеПга нисбатан қатор эътирозларни билдиришимизга тўғри келади.

Хусусан, ЎзЛиДеП дастурида амалда аҳоли даромадларини ошириш, шунингдек, фуқаро ва корхоналарни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш белгиланган. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи усуллари кенгроқ жорий этиш орқали ёлланма ишчиларнинг меҳнат самарадорлигини оширишга бўлган манфаатларини янада кучайтириш кераклиги қайд этилган.

Бироқ тўғриси айтиш керак, либераллар фаолиятида мазкур вазифалар доирасида ҳеч қандай амалий иш қузатилмапти.

Айрим тадбиркорлик субъектларида кишилар меҳнат дафтарчасисиз ишлаб, расмий ҳужжатларга имзо чекмасдан ҳақ олаётгани, бунинг натижасида тадбиркор давлатга солиқ тўлашдан қочаётган ҳоллар йўқ эмас. Жумладан, Оҳангарон туманида айни кунда 400 дан ортиқ фермер хўжалиқлари фаолият юритапти. Мавсумий ишлар учун улар ҳар йили 300 нафарга яқин ёлланма ишчини жалб қилишади. Энди ўйлаб кўрайлик, ҳар йили шунча ёлланма ишчи жалб этилса-ю, улар тегишли солиқларни тўла-

маса, бу туман бюджетига, яъни солиқ тушумига салбий таъсир этмайди?

Бу ҳам бевосита партиямиз илгари сурган қарашларга зид. Чунки, ЎзХДП бозор иқтисодиёти ижтимоий тус олиши учун энг аввало, уни қонун билан белгиланган молиявий ва солиқ воситалари орқали тартибга солиш талаб қилиниши лозимлигини эътироф этади.

ЎзХДП дастурида асосий даромаднинг меҳнатдан оладиган, ишда ва меҳнатда ҳақ тўлашда талаблари иш берувчилар олдидидаги масъулиятини ошириш, пенсия ва нафақаларнинг тўғри тақсимланиши масаласига эътибор қаратиб келаяпти.

Бироқ тан олиш керак, ҳали-ҳамон жойларда пенсия микдорини белгилашда меъёрий талабларни бузиш ҳоллари мавжуд. Шу йилнинг апрель ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан ташкил этилган йиғилишда бунга қишлоқ хўжалиги тизимидаги корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари пенсия тайинлаш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини талаб даражасида қўлламаётгани, шу билан бирга уларнинг архив идораларига тўлиқ топширмаётгани асосий сабаб бўлаётгани таъкидланган эди.

Бу борадаги камчиликларнинг олдини олиш учун ҳар бир ташкилот ва корхонада ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, пенсия ёки нафақа тайинланишини сўраб мурожаат қилган фуқароларга мутасаддилар пишиқ-пукта хизмат кўрсатишлари лозим.

Партиямиз ёқлаётган кучли ижтимоий сиёсат аҳолининг мақсадли ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий таъминот, шу жумладан, пенсия таъминотига муҳтож бўлган қатламларни, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қониқтиришни етарли даражада таъминлашни қафолатлайдиган сиёсатдир. Шу боис партиямиз аҳолининг қонуний меҳнатни ташкил этмасдан туриб, кучли ижтимоий сиёсат тизимида қўзланган натижага эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Киши меҳнат қилаётгани, демак у давлат томонидан берилаётган барча имтиёزلардан тўлиқ фойдалансин, вақти келганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлсин.

Бироқ бу давлат бюджетидан молиялаштирилмайдиган ижтимоий нафақа олувчилар сони кўпайсин, дегани эмас. Партиямиз бу қараш билан келиша олмайди. Ишчиз, лекин меҳнатга лаёқатли, қўлида хунари бор кишилар ишласин, иқтисодиёт ривожига иштирок этсин. Шу тариқа улар бюджет даромадларини кўпайтиришга ҳисса қўшади, вақти келганда ижтимоий тўловлар ва пенсия фонди маблағларини олиш имкониятига эга бўлади.

ЎзХДП шундай деб билгани учун маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари орқали жойларда пенсия ва нафақа олувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, нафақаларнинг тўғри тақсимланиши бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб боришмаяпти.

Масалан, ўтган йили Деҳқонobod туманидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи томонидан пенсия ва нафақа тайинлашда учраётган хато ва камчиликлар ўрганилиб, сессия муҳокамасига олиб чиқилган эди. Яқинда эса Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Музработ туманларида партиямиз депутатлари ташаббуси билан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш масалалари доимий комиссия йиғилишида кўриб

чиқилди. Ҳозирда эса мазкур масалани сессияга олиб чиқиш бўйича иш олиб борилапти.

Шунингдек, айни пайтда Самарқанд вилоятининг Оқдарё ва Пастдарғом туманлари, Навоий вилоятининг Учқудук, Тошкент вилоятининг Пискент туманида давлат бюджети томонидан берилаётган ижтимоий нафақаларни манзилли тақсимланишининг аҳволи, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг ижросини таъминлашда мутасадди ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишлар ҳамда «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, нафақахўрлар ва ногиронларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг ижроси бўйича назорат-таҳлил ишлари олиб борилапти.

Аҳоли даромадини ошириш, фуқаро ва корхоналарни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш устувор вазифа сифатида қайд этилган либераллар эса тадбиркорлик субъектларида ишчи-хизматчиларнинг қонуний фаолиятини кўра-била туриб, унга эътиборсиз қараб келмоқда. Солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш учун курашиши керак бўлган либераллар бу ахволни хотиржам қузатиб туришини қандай тушиниш мумкин? Ёки улар бу борада ҳам давлат томонидан олиб бориладиган ишлар панасида туриб, катта гапирини ўйлашмаяпти?

Яъни биламиз. Либераллар жамият барқарорлиги учун тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблайди. Бироқ бу партия дастурида белгиланган бошқа вазифаларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш дегани эмас. Баландрлар ваъдалар ва гаплардан воз кечиш, одамларни ташвишлантираётган энг муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга амалий ҳисса қўиш учун эса аввало, партиянинг асосий мақсадлари ифода этилган дастурнинг ҳар бир йўналиши ижросига эътибор қаратилиши лозим.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти



ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ШУ МАВЗУДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТҚАЗИЛДИ. УНДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ, ЁШЛАР ҚАНОТИ ФАОЛЛАРИ ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

ИНТЕРНЕТ ВА ЁШЛАР

Давра суҳбатида таъкидланганидек, кейинги йилларда интернет ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бу — бежиз эмас. Чунки у жуда қулай ва тезкор ахборот воситаси ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда глобал тармоқ айрим ёшлар қалби ва дунёқарошига салбий таъсир қилаётгани, уларнинг менталитетини мизга мулқоқроқ ёт иллатлар домига тушиб қолишига ҳам сабабчи бўлаётгани ҳақида ўйлайдиган бўлсак, ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш энг долзарб масалалардан эканлиги янада ойдинлашади.

— ЎзХДП дастурида ёшлар маънавиятини юксалтириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш масаласига катта урғу берилган, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Шоҳруҳбек Абдурахмонов**. — Бу эса энг аввало уларнинг «оммавий маданият», «космополитизм» каби ахлоқсизлик, зўравонлик ва андишасизлик каби таҳдидлардан асрашга хизмат қилади. Чунки маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам ва мустақил фикрига эга авлод гараз ниятли кимсалар алдовига учмайди, ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Қанотимиз олдидаги энг асосий вазифа ҳам ёшларимиз орасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, уларга интернет тармоғининг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳаётий мисоллар, қизгин-баҳс мунозаралар орқали кўрсатиб бериш, бу борада замонавий сиёсий технологиялардан самаралроқ фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, ёш авлод онгига турли таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитет ҳосил қилишдан иборат.

Тадбир якунида иштирокчилар ўртасида «Ёшлар ва интернет» мавзусида сўровнома ўтказилди. Унда билдирилган фикрлар «Истиқбол» ёшлар қанотининг мазкур йўналишдаги фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватан ҳимояси — олий шараф

АКАДЕМИЯ БИТИРУВЧИЛАРИГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Миллий армиямиз учун профессионал, юксак маънавиятга эга офицер ва сержантларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу Куролли Кучлар тарихини сифат жиҳатдан янгилаш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, тезкор фикрлаш ва қарор қабул қилиш қобилиятига эга командирлар билан тўлдириш имконини бераптир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1994 йилда ташкил этилган Куролли Кучлар академияси мамлакатимиздаги етакчи олий ҳарбий таълим муассасаси бўлиб, олий қўмондонлик таркибидидаги офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, мудофаа ва гаплардан воз кечиш, одамларни ташвишлантираётган энг муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга амалий ҳисса қўиш учун эса аввало, партиянинг асосий мақсадлари ифода этилган дастурнинг ҳар бир йўналиши ижросига эътибор қаратилиши лозим.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

З.ЖОНИБЕКОВ, Ўз мухбири.

Қонун ва ижро

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАСАСИ: ХУҚУҚИЙ АСОСЛАР, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

БУГУНГИ КУНДА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОДАТИЙ ҲОЛГА АЙЛАНДИ. АЙНИҚСА, ЎҚУВ КУРСЛАРИДА ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА БИРОН КАСБ-ХУНАР ЎРГАТИШ ТАКЛИФИ КЎПЧИЛИКНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТАЯПТИ. АЙНИ ПАЙТДА БУНДАЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАН НОРОЗИЛИК, ТУРЛИ ТУШУНМОВЧИЛИК, САВОЛ ВА ТАКЛИФЛАР ҲАМ БОР. БУНДАЙ ВАЗИЯТНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБИ НИМАДА?

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОНУНЧИЛИККА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ БОШҚАРМА БОШЛИГИ БАХТИЁР ҚАЮМОВ БИЛАН СУЊБАТИМИЗ ШУ ҲАҚДА БЎЛДИ.

1997 йил 29 августдаги «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни шакллантириш мақсадида давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ҳам ривожлантириш назарда тутилган эди.

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ эса, билим олиш ҳуқуқи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш орқали таъминланиши, таълим тизими давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ўз ичига олиши белгилаб қўйилди.

Ушбу қонун ҳужжатлари нормаларини ҳаётга татбиқ этилиши натижасида бугунги кунда нодавлат таълим муассасалари таълим тизимининг ажралмас таркибий қисмига айланиб, фуқароларнинг билим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Адлия вазириликнинг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси томонидан нодавлат таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишга оид қонунчиликка риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилди.

Мониторинг давомида аниқланганидек, нодавлат таълим муассасалари томонидан ёшларни касб-хунарга (тикувчилик, сартарошлик, ҳамширалик, компьютер саводхонлиги ва ҳокзо) ўргатиш, билим ва кўникмаларини ошириш, бир қатор хорижий тилларни ўргатиш бўйича курслар ташкил этиш каби ижобий ишлар амалга ошириб келинган.

Бирок шу билан бирга, нодавлат таълим муассасаларини рўйхатга олиш, лицензиялаш ва фаолиятининг асосий мақсадини белгилашга қаратилган янги тизим яратилмаганилиги оқибатида ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир қатор жиддий муаммолар юзага келган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги қарорига мувофиқ нодавлат таълим муассасаларининг фаолияти лицензияланадиган фаолият турига кирса-да, аксарият тадбиркорлик субъектлари тижорат ташкилотининг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларида ҳокимликлар ҳузуридан тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида рўйхатдан ўтиб, таълим фаолияти би-

лан лицензиясиз шугулланиб келган. Жумладан, ҳозирги кунда республика бўйича 1527 та тадбиркорлик субъектлари (406 таси хусусий корхона, 392 таси масъулияти чекланган жамияти, 363 таси муассаса, 202 таси яқка тартибдаги тадбиркор, 164 таси тижорат ташкилотининг бошқа шаклида) ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида рўйхатдан ўтиб, лицензиясиз ўқув марказлари, турли фан ва тилларни ўргатиш бўйича курслар, олий ўқув юрти-ларига тайёрлов курслари, тўрақлар, мутахассисларни тайёрлаш туридаги таълим фаолияти билан шугулланиб келмоқда.

Бундай ҳолат, айниқса, Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида кўпчилигини ташкил этмоқда.

Ваҳоланки, қонунчиликка асосан, нодавлат таълим муассасалари фаолиятининг лицензияланишидан асосий мақсад — улар томонидан таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш, таълим дастурларини умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунарга ва олий таълим давлат таълим стандартларига мувофиқ келишидир.

Шунингдек, мактабгача, мактабдан ташқари таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга доир давлат талабларига мувофиқ амалга ошириш, таълимнинг мажбурий равишда дунёвий характерда бўлиши, таълим жараёнида урушни, зўравонликни тарғиб қилишдан фойдаланишга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинлиги камситилишига, мамлакатдаги хавфсизликка ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка, жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асосларига, фуқаролар осяйишталигига, миллатлараро ва динлараро тотувликка раҳна солинишига, Ўзбекистон тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилишига ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий қадриятлари бузиб кўрсатилишига йўл қўймастик, фанларни тегишли базавий маълумотга эга бўлган шахслар томонидан ўқитиш ва бошқа бир қатор муҳим вазифаларни таъминлаш мақсадида жорий қилинган.

Бундай ҳолатнинг мавжудлиги нодавлат таълим муассасаларининг таълим фаолиятини ташкил этиш борасидаги фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларини бажарилишини назорати таъминланмаслигига ва натижада улар фаолиятида қонунбузилишлар содир этилиши хавфини тугдарилади.

Шунингдек, нодавлат таълим муассасалари фаолиятида учраётган муам-

молардан яна бири ушбу муассасалар қонунчиликка мувофиқ тижоратчиликдан иборат бўлмаган вазифаларни амалга ошириш учун ташкил этилиши назарда тутилган бўлса-да, аксарият нодавлат таълим муассасаларининг асосий мақсади фойда олишга йўналтиришдан иборат бўлаётганлигидир.

Қонунчиликда таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби ишлаб чиқилмаганлиги (жумладан, нодавлат таълим муассасаларининг қайси давлат органи томонидан рўйхатга олиниши, уларнинг фаолияти қандай мақсадга қаратилиши аниқ кўрсатилмаганлиги) туфайли нодавлат таълим муассасалари ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида тадбиркорлик субъектлари сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолиятининг асосий мақсадини фойда олишга қаратиб келмоқда.

Ўтказилган мониторинг давомида республикада жами 364 та муассасалар ҳокимликлар ҳузуридаги инспекцияларда рўйхатдан ўтиш билан бир вақтда тадбиркорлик субъекти сифатида давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйилиб, таълим фаолияти уларнинг фойда олишга қаратилган асосий фаолият тури сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, нодавлат таълим фаолияти субъектларининг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тижорат ташкилоти сифатида ёки муассаса сифатида ҳокимлик ҳузуридаги инспекцияларда рўйхатдан ўтиб, лицензиясиз фаолият кўрсатаётганлиги улар фаолиятида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатилиши имкониятини чекламоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ эса, нодавлат таълим муассасалари томонидан лицензия талаблари ва шартларида рўйхатдан ўтиш қилиш Давлат тест марказига (ДТМ) юклатилган.

Бу функцияни амалга ошириш мақсадида, ДТМга лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан рўйхатдан ўтиш қилиниши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режалар ташқари текшириш ҳуқуқи берилган.

Лекин юқорида таъкидланганидек, таълим фаолиятини амалга оширувчи субъектлар турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тижорат ташкилоти ёки муассаса сифатида ҳокимлик ҳузуридаги инспекцияларда рўйхатдан ўтиб, лицензиясиз фаолият кўрсатиб келаётганлиги оқибатида, ДТМ улар фаолиятини назорат қилиш ваколатига эга эмас. ДТМда ҳатто бундай таълим фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳисоби ҳам мавжуд эмас.

Нодавлат таълим муассасалари фаолиятида учраётган муаммолар ва салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига қонун ҳужжатларидаги айрим коллизиялар,

ноаникликлар ва «оқ доғ»лар ҳам сабаб бўлмоқда.

Хусусан, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасида нодавлат таълим муассасаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлиши, таълим муассасасини аккредитациялаш ваколати давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, таълим муассасасини аккредитациялаш ДТМ томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Янги ташкил этилган таълим муассасаси аттестацияси биринчи битирув яқуларига қўра, таълим оловчилар тайёрлаш даври тўла тугагандан сўнг ўтказилиши назарда тутилган.

Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низомга қўра, нодавлат таълим муассасаси лицензия олиш учун расман мурожаат қилгунга (яъни, лицензия олгунга) қадрлар юридик шахс мақомига эга бўлиши лозим.

Қонун ҳужжатларидаги мазкур коллизиялар нодавлат таълим муассасасини юридик шахс сифатида қачон эътироф этилиши билан боғлиқ саволларни келтириб чиқармоқда. Лицензия олиш учун лицензия талабгори юридик шахс бўлиши керакини ёки юридик шахс мақоми у аккредитациядан ўтгандан сўнг бериладими?

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги қарорига тасарруфда таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар аттестация жадвалини ҳамда аттестация текширувчи оид ҳужжатларини аттестация бошланганидан 3 ой олдин ДТМдан олишлари белгиланган, лекин нодавлат таълим муассасалари бирор-бир вазирлик ёки идора тасарруфидан эмасликлар сабабли, аттестация жадвали ва тегишли ҳужжатларини уларга бериш тартиби назарда тутилмаган.

Мониторинг натижасида аниқланган юқоридаги каби муаммо ва камчиликлар юқоридаги қарор билан қамчилди. Шунингдек, келгусида нодавлат таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Ушбу тақлифга асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли вазирлик ва идораларга кўрсатилган камчилик ва муаммоларни бартараф этишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш мамлакатимизда таълим соҳасининг янада ривожланишига хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Шарофат Йўлдошева ёзиб олди.



Хориж

ҚУРҒОҚЧИЛИК БОИС

ғалла нархи ошмоқда

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатётган хабарларда қайд этилишича, айни пайтда дунёнинг кўплаб мамлакатларида қурғоқчилик ҳукмрон. Бу эса жаҳон бозорида ғалланинг нархи кескин ошишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, ғалла нархи сўнгги 4 йил ичида рекорд даражага қўйилди — бир тонна бугдой кўриб 345 АҚШ доллариға етди. Бу 2008 йил август ойидан бери қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир.



Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, хавонинг кескин исиб кетиши оқибатида нафақат бугдой, балки жўхорининг баҳо-си ҳам рекорд даражада — 54 фоиз ошди.

ЁЗ ЧИЛЛАСИ

тунлари ҳам иссиқ

Ёз чилласи нафақат кундузги исмиги билан машҳур, балки тунлари ҳам уйку бедорлигини келтириб чиқариши барчага аён. Эндилликда тунги бу бедорликлардан қутулишнинг йўллари топилди.



Италиялик олимлар жазирама ёз мавсумида тунлари тинч ухлаш учун салат бағри истеъмол қилишни тавсия этмоқда.

Маълумотларга қараганда, салат бағри шифобағри ўсимлик бўлиб, азалдан инсон асаб тизими фаолиятини яхшиловчи ва уйқуни келтирувчи восита сифатида қўлланилган.

Реклама

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади

Савдога Тошкент вилояти, Зағитюа тумани, «Туркистон» ҚФЙ, Тўқимачи массивида жойлашган «Миришкор Абдувоҳид» фермер ҳўжалигига қарашли умумий ер майдони 18,5 га бўлган, шундан 11,2 га ер майдонида жойлашган 1200 дона олхўри ва 300 дона олма дарах-ларидан ташкил топган «Бор» қўйилмоқда. Обьектнинг, яъни «Богнинг бошлангич баҳоси — 28 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 30 август соат 15-00 да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, «Республика биржа маркази биноси», 16-хонада бўлиб ўтади. Ушбу қўнда сотилмай қолган объектнинг такрорий савдоси 2012 йилнинг 15 сентябрь кунини соат 15-00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни» имзолагандан сўнг, объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ТИФ Миллий банки Тошкент шаҳар Ҳамза филиалидаги 20208000304876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 00847, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйдаги ҳужжатларни топшириши керак: аукционда иштирок этиш учун икки нусхадаги бюртманома, закалат пули тўғрисидаги келишув, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати, юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, низом ва таъсис ҳужжатларининг нусхалари, хорижий сармомдорлар — ҳуқуқий шахслар учун улар вақил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатларининг нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда), таъсисчиларнинг аукционда иштирок этиши бўйича қарори, раҳбарнинг тегишли бўйруғи, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий ш.ш кунинида соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдо белгиланган кундан 1 (бир) кун олдин соат 16.00 да тўхта-тилади.

Қўшимча маълумотларни 147-40-00, 232-10-78 телефон рақами ёки www.realtorg.uz орқали олиш мумкин. Хизматлар лицензияланган RR — №0008.

Миллий матбуот марказида

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

Давлат акциядорлик темир йўл компанияси фаолияти ва 2012 йилнинг дастлабки олти ойида амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган анжуман ўтказилди.

Унда компания томонидан бажарилаётган ишлар, инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши юк ва йўловчи ташиш, маҳаллийлаштириш дастури бўйича янги йўллар барпо этиш, темир йўл участкаларини электрлаштириш, вагонларни таъмирлаш, модернизация қилиш ҳамда локомотив ва вагонлар паркинни янгилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

— Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг олти ойи мобайнида 29,9 млн. тонна юк жўнатилиб, юк ташиш айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,1 фоиз, шунингдек, 8,6 млн. нафар йўловчи ўз манзилига етказилиб, йўловчи ташиш айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109 фоиз бажарилди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раиси ўринбосари Шерзод Исматуллаев. — Компанияга қарашли корхоналарда 2012 йил 1 июль ҳолатига қўра, 112,7 млрд. сўмлик, шундан маҳаллийлаштириш Давлат дастурига асосан 56,5 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чи-

қарилди. «Мароканд — Қарши» темир йўлини электрлаштириш мақсадида эса 5,9 млрд. АҚШ доллари миқдоридида маблаг ўзлаштирилди. Унта йўловчи, 225 та юк вағони қурилди, бундан ташқари, 27 та локомотив, 11 та йўловчи ҳамда 697 та юк вағонлар модернизация қилиниб, хизмат муддатлари узайтирилди. Тизимда 592 та янги иш ўринлари яратилди.

Хисобот даврида компания томонидан амалга оширилган энг муҳим лойиҳалардан бири бу Тошкент — Самарқанд йўналишининг 187 километрлик «Янгийер — Даштобод — Зарбдор — Жиззах» масофасида электрлаштириш,

йўллари босқичма-босқич таъмирлаш, янги йўллари қуриш ишлари бугунги кунда жадвал суратлар билан олиб бориламоқда. Ҳозирги пайтга қадр мазкур йўналишининг «Янгийер — Даштобод — Зарбдор» масофасида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари муваффақиятли яқунланди. Бу ерда юқори тезликда қатновчи поездлар учун замонавий икки йўли электрлаштирилган линия бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

— Маълумки, шу йилнинг январидан Тошкент — Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Ағросийоб» поездининг қуллик қатнови йўлга қўйилган эди, — дейди анжуман якунида «Ўзтемирйўлўловчи» ОАЖ директори Шарофиддин Қодиров. — Бугунги кунгача ушбу теюзорар поездимизда 60 мингга яқин йўловчи ўз манзилига етказилди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗАРО ИШОНЧ, СИФАТЛИ ХИЗМАТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ХУСУСИЙ БАНКЛАР ИШТИРОКИДАГИ «МАМЛАКАТИМИЗ РАҲБАРНИНГ СЎНГГИ ФАРМОНЛАРИ АСОСИДА МИЖОЗЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»ГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИНИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ Ш. ҲАЙДАРОВ БОШҚАРДИ.

Тадбирда таъкидландики, мамлакатимизда бизнес муҳитини яхшилаш борасида қўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида банкларнинг кичик бизнес субъектларига ҳамда аҳолига истеъмол кредитлар ажратиш кўлами кескин ошиб бормоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига қўра, тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик тузилмаларига ажратилган кредитлар миқдори 2,9 триллион сўмни ташкил этди, ёки бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробарга кўп бўлган. Мазкур соҳага ажратилган кредитлар республикамиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, таркибий ўзгаришлар жараёнини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишга сезиларли

банклари мутасаддилари ўз чиқишларида кичик бизнес вакилларига кўрсатиладиган хизмат турлари, уларнинг хусусиятлари, жумладан, имтиёзли фоиз ставкалари ҳамда миқозлар учун яратилаётган қулайликларга тўхталиши.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризалари уч банк кунидан ошмайди муддатда кўриб чиқиш тартиби ўрнатилган. Шунингдек, хўжалик субъектлари томонидан савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар учун корпоратив пластик карталаридан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Миқозлар учун «Интернет — банкинг», «СМС — банкинг» каби замонавий электрон тўловлар жорий этилиши ҳам улар учун катта имконият ҳисобланади.

Анжуманда, шунингдек, айрим тадбиркорлар томонидан тақдим этилаётган техник иқтисодий асосномалар талабга жавоб бермаслиги оқибатида кредит олиш муддатлари кечики холларни мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди.

Обиддин МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАТАН ШАЪНИ — ҲАР НАРСАДАН УЛУФ!

Финал йўлларида учун кечган учрашувда Ришод россиялик Арсен Галстянга кичик ҳисобда ютказган бўлса-да, бронза медали учун курашиш имкониятини сақлаб қолди. Ҳал қилувчи беллашувда франциялик Софиане Милоусни доғда қолдирган мохир спортчимиз иккинчи мартаба ёзги Олимпия ўйинлари шохулпасининг фахри учинчи поғонасига кўтарилишга муваффақ бўлди.

Эътиборлиси, охириги тўрт йилда дзюдо оламида маҳоратини намоиш қилган вакилимиз ўз вазн тоифасида барча ютуқларни қўлга киритишнинг уддасидан чиқди. Аввалда 2010 йилда Токио (Япония)да ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлган Ришод шу йилнинг кузида Гуанчжоу (Хитой)да кўта олимпиадаси — ёзги Осиё ўйинлари голибига айланди. Орадан бир йил ўтиб, Парижда (Франция) яна бир бора жаҳонда тенгсиз, деб топилди. Халқаро дзюдо федерацияси тақвимидаги — «Мастерс», «Катта дубулга», «Гран-при» туркумидаги барча мусобақаларда зафар кўчиб, «Жаҳоннинг энг кучли дзюдочиси» номинациясида голибликни қўлга киритди.

Агар иқтидорли дзюдочимиз эндигина йигирма беш ёшга тўлганлигини ҳисобга олсак, унинг янада улкан ғалабаларга эришиш имкониятига эга экани ойдинлашади.

XXX ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз «чарм қўлқоп» усталари олти вазн тоифасида ўз омадларини синаб кўришмоқда. Қуръага кўра, боксчиларимиздан

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Мусобақад АМИН (Уш) олган суратлар.

Фазлиддин Гойибназаров (60 кг) ўз вазн тоифасида дастлабки учрашувда камерунлик Абдон Мевовига қарши рингга кўтарилди. «Қора кўта»нинг етакчи спортчиси билан кечган бахсда ҳамюртимиз 11:6 ҳисобида ғалаба қозонди. Фазлиддин иккинчи даврада Хосе Рамирес (АҚШ) билан рўбарў келадиган бўлди.

Мутхассисларимиз икки қарра жаҳон чемпиони Аббос Атоев (75 кг)дан бу гал фақат медал қўлишаётганлигини яширишмапти.

— Олимпия ўйинлари каби энг нуфузли спорт мусобақасида биринчи жангни муваффақиятли ўтказиш жуда муҳим, — деди **Аббос Уза** мухбирига берган интервьюси-

да. — Менинг асосий мақсадим — шу кунгача қўлга киритган совринларим қаторига Олимпия медалини қўшишдан иборат. XXX ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамига муносиб совға тайёрлашга ҳаракат қиламан.

Таниқли боксчимиз Аббос Атоев илк учрашувда марокшаллик Бадриддин Ҳаддий билан куч синашди. Унда ҳамюртимиз рақибини 11:9 ҳисобида енгди. Энди Аббос навбатдаги босқичда руминиялик Богдан Юратони билан баҳс юротади.

Лондон олимпиадасида оғир атлетика бўйича олти нафар спортчимиз юртимиз шарафини ҳимоя

қилишмоқда. Мусобақанинг дастлабки кунларида аёллар ўртасида ёш ва умидли вакилимиз Марина Сисоева (48 кг) ҳамда эркаклар баҳсида Руслан Макаров (56 кг)лар ўз омадларини синаб кўришди. Аммо уларнинг қучилар қаторидан жой олишлари учун тажриба етишмади. Агар мусобақанинг қолган вазн тоифаси-

Газетамиз саҳифаланаётганда Олимпиада-2012 мусобақаларида ҳамюртимиз Денис Истомин навбатдаги ғалабасини эришгани тўғрисида хушхубор олди. Тенг курашлар остида кечган бахсда Истомин люксембурглик Гиллес Мюллер билан бўлган учрашувда 6:7, 7:6 ва 7:5 натижаларини қайд этди. Кейинги босқичда ҳамюртимиз швейцариялик теннисчи Рожер Федерер билан куч синашди.

Ифтихор



Анвар МИЛЛОСОВ олган сурат.

«Ўғлимнинг катта ғалабалари ҳали олдинда»

— дейди Лондон олимпиадаси бронза медали совриндори Ришод Собировнинг онаси Гулнора Раҳматова.

ЛОНДОН ОЛИМПИАДАСИНING ДАСТЛАБКИ КУНГИ БЕЛЛАШУВЛАРИДА ДЗЮДО БЎЙИЧА ИККИ ҚАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РИШОД СОБИРОВ МАМЛАКАТИМИЗГА ДАСТЛАБКИ МЕДАЛНИ ТУҲФА ЭТДИ.

Ким билан суҳбатлашманг, катта-ю кичик, барча-барча мохир спортчимизнинг ёзги Олимпия ўйинларида эришган навбатдаги ютуғи ҳақида тўлқинланиб гапирмоқда. Жондор туманидаги Бўрибоби қишлоғида эса кўкси қувонча тўлган ёшу кекса Собировлар хонадонига ошқикди. Юртимизнинг паҳлавон ўғлини онаси-ю отаси, ака-сингилларини табриқлашга келаётганларнинг охири кўринмайди.

Биз фурсатдан фойдаланиб, ёзги Олимпия ўйинларида иккинчи мартаба бронза медалини қўлга киритган Ришод Собировнинг онаси Гулнора Раҳматова билан телефон орқали боғландик.

— Аввало Ришоднинг навбатдаги ғалабаси билан табриқлаймиз. Унинг мусобақадда бронза медалини қўлга киритган чоғида кўнглингиздан нималар ўтди?

— Спортчининг онаси сифатида ғалаба ва мағлубият ёнма-ён юришини билман. Ришоджоннинг олимпиададаги ҳар бир беллашувини барча оила аъзоларимиз жамулжам бўлиб, диққат билан кузатиб бордик. Ҳаммамиз уни дуо


қилиб турдик. Ришоднинг қўлга киритган бронза медалининг қадрини жуда баалам. Чунки у бундай нуфузли мусобақадда иккинчи мартаба Ватанимиз спортчиларидан биринчи бўлиб, совриндорлар рўйхатини бошлаб бермоқда. Халқимиз ишончини оқлаган ўғли билан фахрланаман. Ўғлим шохулпада турганда кўнглимдан ўтган ҳаяжонни таърифлаб беролмайман.

— Бутун мамлакатимиз бугун қувончингизга шерик, албатта. Ришоднинг эришган ютуғи билан Сизнинг ким биринчи бўлиб қутлади?

— Ришоджон Олотдаги 7-сон ихтисослаштирилган Олимпия захиралари спорт мактаб-интернатида дзюдо сирларини ўрганган бўлса, илк сабоқларни туманимиздаги 16-умумтаълим мактабидан олган эди. Фарзандимиз Лондон олимпиадасида бронза медалини қўлга киритганида ҳам ана шу таълим даргоҳларининг устозлари биздан кам қувонишгани йўқ. Улар биринчилардан бўлиб, оила аъзоларимизни табриқлашди. Ярим тунда эса Ришоджоннинг ўзи кўнғироқ қилди. Мен унга катта ғалабалари ҳали олдинда эканлигини айтдим.

РАВШАН ЭРМАТОВ: «ҲАР БИР УЧРАШУВ ФИНАЛГА ТЕНГ»

ЛОНДОН ОЛИМПИАДАСИДА ЭПЛИК ТЎРТ НАФАР ҲАМЮРТИМИЗ СПОРТНИНГ ЎН УЧТА ТУРИ БЎЙИЧА ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛСА, УЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА ЯНА САККИЗ МУТАХАССИСИМИЗ ҲАҚАМ СИФАТИДА МАЙДОНГА ТУШАЯПТИ. ЖУМЛАДАН, ЁЗГИ ОЛИМПИАДА БЎЙИЧА ФИФА РЕФЕРИСИ РАВШАН ЭРМАТОВ ҲАМДА ФИФА ЛАЙНС-МЕНИ АБДУҲАМИДУЛЛО РАСУЛОВ УЧРАШУВЛАРНИ БОШҚАРИШАДИ.



Қувонарлиси, мусобақанинг «А» гуруҳи дастлабки турдан жой олган Буюк Британия — Сенегал футболчилари баҳсини бошқариши ҳамюртимиз Равшан Эрматовга ишониб топширилди. Унга қанотларда Абдуҳамидулло Расулов ҳамда кирғизистонлик Баҳодир Қўчқоровлар ёрдам берди. Уйинда жамоалар мураси йўлини танлашди — 1:1.

Биз учрашув тугагач, Осиёнинг тўрт қарра «Энг яхши ҳақами» номинацияси голиби, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унво-

ни соҳиби Равшан Эрматов билан интернет орқали боғланишга муваффақ бўлдик. — Равшан, ёзги Олимпия ўйинларидаги дебютингиз билан табриқлаймиз. Уйин олдинда кўнглингиздан қандай ўй-халлар ўтди? — 19 июль кунини Лондонга етиб келган бўлсак, орадан уч кун ўтиб, бизнинг бригадамизга ушбу учрашувда ҳақамлик қилишимизни билдиришди. Ростини айтсам, олимпиадада иштирок этишни бир умр орзу қилганман. Биласиз,

Англия футбол ватани саналади. Англия премьер лигаси учрашувлари ва улар ўтадиган стадионларга ташриф буюриш аксарият мутхассиссу мухлислар учун армон. Шунинг учун ҳам бу ўйинни бошқаришимизни эшитиб, роса қувондик. Албатта, учрашув бошида бироз ҳаяжон бўлди. Чунки мен у хоҳ миллий чемпионат, хоҳ халқаро ўйин бўлсин, майдонга финал баҳсини бошқараётгандек тасаввур билан чиқаман. Учрашув бошлангач, эса барча фикру хаёлимни ўйинга қаратаман. Буюк Британия — Сенегал футболчилари учрашувини қандай ўтказганлигимизга мухлислар баҳо беришсин. Энг муҳими, Манчестер шаҳрининг дунёга донгига кетган «Манчестер Юнайтед» футбол клубига тегишли «Олд Траффорд» стадионида ўйинни бошқарганимиздан беҳад мамнунман.

— Олимпиадада ҳақамлар иш тартиби қандай йўлга қўйилган?

— Мусобақаддаги энг тизим тақвим бу футбол учрашувлари учун белгиланган. Жамоалар тўртта гуруҳда кейинги босқичга йўлланма олиш учун баҳс юритишмоқда. Уйинлар эса Кардифф, Глазго, Ньюкасл, Манчестер, Бирмингем шаҳарларида бўлиб ўтади. Шу туйғайли бизнинг кунлик иш тартибимиз ҳам катъий режа асосида амалга оширилади. Фақат ўйинларни бошқариш билан чекланиб қолмасдан, амалий ва назарий машғулотларда иштирок этаймиз. Бундан ташқари, ҳақамларнинг уяли алоқа воситаларидан фойдаланишлари, ҳатто уларнинг истаган чоғида шаҳарга сайрга чиқишлари тақиқлаб қўйилган. Одий қилиб айтганда, ФИФА томонидан ҳар бир хатти-ҳаракатимиз жиддий назорат қилинади.

Саҳифани Эркин ХОЛБОВО тайёрлади.

Футбол

ЎЗБЕКISTON

КУБОГИ:

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР АНИҚ



Ўзбекистон кубоги чорак финал босқичининг жавоб учрашувлари бўлиб ўтди. Энг қизиқarli ва мурасасиз баҳс Тошкентда «Локомотив» — «Бухоро» жамоалари ўртасида кузатилди.

Бу жуфтликнинг Бухорода ўтган дастлабки учрашувида мезбонлар 2:0 ҳисобида зафар кўчишганди. Жавоб ўйинида эса омад темирйўлчиларга қулиб боқди — 2:0. Қўшимча икки бўлимда ҳам ҳисоб ўзгармагач, голиб пенальтилар орқали аниқланди. Унда «Бухоро» футболчиларининг қўли устун келди — 6:7.

Қолган жуфтликларда кўйидаги натижалар қайд қилинди: «Насаф» — «Металлург» — 4:2 (биринчи учрашув — 1:2), «Машъал» — «Бунёдкор» — 0:0 (0:3), «Пахтакор» — «Андижон» — 2:0 (2:1).

Энди мамлакат кубогининг ярим финалида «Насаф» — «Бухоро», «Бунёдкор» — «Пахтакор» жамоалари финал йўлларида учун кураш олиб боришади.

ОБ-ҲАВО 31-01 - 07-08. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+19 / +24 +30 / +35

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+19 / +24 +33 / +38

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+18 / +23 +33 / +38

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+19 / +24 +34 / +39

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+17 / +22 +33 / +38

Тошкент шаҳри

+19 / +21 +36 / +38

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +15 / +16

Париж +15 / +16

Москва +19 / +17

Мадрид +21 / +20

Пекин +24 / +24

Гонгконг +27 / +27

Рим +22 / +21

Афина +26 / +25

Токио +27 / +24

Стокгольм +14 / +13

Кейптаун +11 / +11

Қоҳира +29 / +30

Гавана +25 / +25

Вашингтон +23 / +21

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят ва Қарши шаҳар кенгашлари вилоят сил касалликлари диспансери бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди

Абдулла РАВШАНОВнинг вафот этганлиги сабабли марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таззия ихсдор этади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihidin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Saidahmad RAHIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 746
10676
nuxsada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 01.20
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV
ISSN 2000-7633
1 2 3 4 5